

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирига!



«Яқин ўн йилда ЎЗБЕК ТИЛИДА НОТА ДАФТАРИ КЎРМАГАНМАН»

ёхуд нота
тўпламисиз
берилаётган мусиқий
таълим ҳақида
мулоҳазалар

– Нота дафтари керак экан, – деди Мадина биринчи машғулотдан келгач.

Собир ака аввал тумандаги, кейин вилоят марказидаги барча китоб ва канцелярия дўконларини айланиб чиқди. Хеч бирида нота дафтари йўқ.

– Хоразмдан тополмайсиз. Тошкентда танишларингиз бўлса, топиб жўнатишлари мумкин, – дейишди унга. Собир ака университетда мусиқадан дарс берадиган оғайнисидан ёрдам сўради. Таниши унга қўлбола нота дафтари ясаб берди.

Хозир деярли кўпчилик шундай қияпти. Ёш авлодга мусиқий таълим бериш масаласига давлат сибсати даражасида қаралаётган бўлса-да, оддий нота дафтари йўқ, етишмайди. Ахир нота тўпламисиз қандай қилиб, мусиқий таълим бериш мумкин?..

Афсуски, хозир умумтаълим мактабларида умуман нота тўпламлари йўқ.

Тасаввур қилинг, фарзандингизни мактабга олиб бордингиз. У ўқиб-ёзишни ўрганиши керак, аммо алифбо китоби йўқ. У ўздан ўзи хат-саводли бўлиб қоладими?

Бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир туман марказида мусиқа ва санъатга ихтисослашган мактаблар бор. Уларда мусиқа йўналишида таҳсил оладиган ҳар бир ўқувчида нота дафтари бўлиши шарт. Собир акага қизининг ўқитувчиси яқин ўн йилда ўзбек тилида нота дафтари кўрмаганини айтибди. Мана сизга, муаммо!

Қизик, бундай шартда ёшлар куй чалишни ҳаводан ўрганишяптими? Нота дафтари йўқлиги барча мусиқа мактаблари фаолияти ва мусиқа дарсларининг сифатини шубҳа остига қўймайдими?

Таъбир жоиз бўлса, бу ҳолат юз йиллар аввал юртимизга ёв бостириб

кирганида, бизникилар кетмон кўтариб чиқганини ёдга солади. Балки бу ўхшатиш кимгадир эриш туюлар, бироқ умрида нота дафтари йўқлиги олманган ёшлар миллий мусиқамиз ва миллий санъатимизни қандай ривожлантиради? Нота дафтари йўқлиги ўтказиш қармоқсиз балик овига боришдек гап-ку, ахир. Бундай кўр-кўрона ёндашувлар қачон барҳам топаркин-а?

Ҳар йили давлат бюджетидан фалон миллиардлаб маблағ сарфланиб, халқаро мусиқа фестиваллари ўтказилади, хорижий меҳмонларга ўзбек меҳмондўстлиги намойиш қилинади. Бу ёқда эса, мусиқачи бўлиш инстаграмдаги болаларимиз оддийгина нота дафтари тополмай сарсон. Бу – боланинг кўзини боғлаб қўйиб, ундан китоб ўқишни талаб қилиш эмасми?

«Фестиваллар кўчани асфальтлашдан муҳим» дейди маданият вазири. Тўғри-да, ҳамма йўлни қилиб, қўлбола нота дафтари ясаб оляпти, шу ҳам муаммони?! Мактабларда мусиқа асбоблари бор. Шаҳодатномага ўқувчининг қайси мусиқий асбобни чалишни билиши ёзилиши керак. Ўқувчи нотани билмаса-да, ниманидир тингирлатса бўлди, шаҳодатномага «қайд этилади».

Қадимда мусиқа қомил инсон ўрганиши шарт бўлган фанлардан бири бўлган. Биз – бу борада юзлаб буюклар етишиб чиққан халқимиз. Бу масалада дунё бизга етганича ҳали анча бор. Биздан...

Уларни санаб, фахрлибди юрерамиз. Янги истеъдодлар, таълим сифати, мусиқий билим кимга керак? Нота ёзуви қорин тўйдирирми? Нота бутун дунёда таржимонсиз тушуниладиган ягона ёзув бўлса, нима бўпти? Бизникилар нотани билиши шарт эмас.

Ҳамма мусиқани тушунаверса, нотадан хабари йўқ, «қароқчи» қўшиқчиларни ким тўйга айтади?

Биз – томорқада етиштирилган маҳсулотнинг энг сарасини бозорга чиқариб, бундайроғини боласига едирадиган қавмимиз. Биз бутун умр топганимизни битта тўйга сарфлаймиз, аммо фарзандларимизга дарс қилиш, таълим олиш учун старли шарт-шароит қилиб бермаймиш. Шундай экан, нота дафтари биз учун масала бўлибдими?!

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб қўйилган. Жумладан, қарорга кўра, ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётлар билан таъминлаш умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тизимига киритилиши кўзда тутилган.

Мана, орадан уч йил ўтибдики, қарор ижроси таъминланмаган ва бунга ҳечам ажабланмас бўлади. Чунки ишга муносабат, ёндашув ўзгармас, майда бўлиб кўринган, аммо муҳим масалалар ечилмас экан, ҳаммаси бекор!



Мухаббат ТУРАБОВА
«ISHONCH»

«ОНА МАСКАНИ» ХИЗМАТИ

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 14 ноябрдаги «Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан бошлаб 2025 йил 1 февралдан Ўзбекистонда «Она маскани» хизмати ишга туширилади.

КАМБАГАЛ ОНЛАЛАР АЪЗОЛАРИНИ КАСБАГА УҚИТИШ БЎЙИЧА ВАУЧЕР ТИЗИМИ

Президентнинг «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Камбағалликни қисқартриш ва бандлик вазири раҳбарлигидаги қўшимча таълим марказларида 2025 йил 1 февралдан бошлаб иш бериувчи буржумаси ва тижорат банклари миқозлари эҳтимолий асосида ишсиз аҳолини, шу жумладан, камбағал оилалар аъзоларини меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга Бандликка қўмақлаштириш давлат жағмармаси маблағлари ҳисобидан маърузи ўқитиш тизими жорий этилади.

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРИНИ ҚУВВАТЛАШ СТАНЦИЯЛАРИ КЎПАЯДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада 2024-2025 йилларда электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига кўра, 2025 йил 1 февралдан давлат муассасалари, меҳмонхоналар, бизнес-марказлар, савдо ва умумий оватқилини объектлари, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари инфратузилмаси объектлари лойиҳаларида тўхташ жойларининг қамиди 5 фоизи электромобиллари қувватлаш станциялари билан жиҳозланиши керак.

БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИДА ДАВОМАТ АВТОМАТЛАШТИРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 декабрдаги «Мақтабгача таълим тизимини рақамлаштириш ва мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси ўларок, 2025 йил 1 февралдан Тошкент шаҳрида синов тарқасида, 2025 йил 1 июндан эса барча давлат МТТларида «Болалар боғчаси» ахборот тизими орқали ходимлар ва тарбияланувчиларнинг электрон давомати, иш вақти, тарбияланувчиларнинг озик-овқат ҳаракатларини ҳисобга олиш жорий этилади.

«1070» ҚИСКА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОН» ИШГА ТУШАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 декабрдаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда «Ижтимоий карта» тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан 1 февралдан ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш масалалари бўйича ахборот-маълумотнома хизматларини кўрсатувчи «1070» қиска рақамли ва туну кун фаолият кўрсатадиган хизмат тест режимида йўлга қўйилиши белгиланган.

ВАСИЙЛИК ВА ХОМИЙЛИК БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИ ТУГАТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 декабрдаги «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида 1 февралдан туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар масалалари бўйича васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар фаолияти тугатилади.

ПОЕЗД ЧИПТАЛАРИНИНГ НАРХИ ОШАДИ

2025 йил 1 февраль санасидан бошлаб Ўзбекистонда юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электропоездарининг VIP, Бизнес тоифадаги чипта нархлари 25 фоизга, эконот тоифадаги чипта нархлари 20 фоизга ҳамда тезюрар йўловчи поездалар «Шарқ», «Насаф» ва «Ўзбекистон» поездарининг чипта нархлари 30 фоизга қимматлайди.

«Ishonch»да чоп этилгач...

МУАММОИМ ҲАЛ ЭТИЛДИ!

«Ishonch» газетасининг 2025 йил 16 январдаги сонидан «Онлайн ва офлайн муаммоси: коммунал тўловлардаги тизим қачон мукамал ишлайди?» сарлавҳали мақолам эълон қилинган. Унда сувга қилинган тўлов билан боғлиқ муаммолар, онлайн тизимдаги ноаниқликлар тилга олинган.



Газетада мақола эълон қилинган, «Бухоросувтаъминот» акциядорлик жамияти ходимларидан тузилган ишчи гуруҳ ҳонадонимга келиб, мавжуд ҳолатни ўрганди. Шу пайтга қа-

дар муҳрланмаган сув ўлчагич улар томонидан пломбалиди. Ҳисоблагич бўйича камчиликларга аниқлик киритилди ва қарздорлик бартараф этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, муаммони ёритгани учун «Ishonch» газетаси тахририятига, ноаниқликлар тилга олинган.

Газетада мақола эълон қилинган, «Бухоросувтаъминот» акциядорлик жамияти ходимларидан тузилган ишчи гуруҳ ҳонадонимга келиб, мавжуд ҳолатни ўрганди. Шу пайтга қа-

муаммони бартараф этгани учун эса «Бухоросувтаъминот» қорхонаси масъулларига ўз миннатдорлигини билдираман.

Ҳамзабек ТУРДШЕВ
Бухоро шаҳри

МАЖБУРИЯТ ЮКЛАШДАН ОЛДИН, ИМКОНИАТ ЯРАТИШ ЗАРУР



Ижтимоий тармоқларни қузатаркансан, ИТХ билан боғлиқ хабарларга тез-тез дуч келаверсан. Айниқса, қайсидир аварияда вояга етмаган шахслар, яъни болалар ҳалок бўлгани ҳақида эшитганингда чуқур изтиробга тушсан, қуюнсан. Бундан ортиқ чоранг йўқлигиндан ўқинсан...

Қуйидаги QR кодни сканерланг ва **Ishonch.uz** сайтда батафсил ўқинг!



Статистика

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ ҚАНЧА?

2024 йилда Ўзбекистондаги ўртача иш ҳақи **5 миллион 357 минг сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **17,4 фоиз**ни ташкил қилган.

Тошкент шаҳри (9,1 миллион сўм) ва **Навоий вилояти**да (6,8 миллион сўм) **энг кўпи**, **Қашқадарё** ва **Сурхондарё**да эса **энг кам** (3,8 миллион сўм) ўртача маош тўланади.

2024 йил якунлари бўйича соҳалар кесимида энг юқори ўртача ойлик иш ҳақи миқдори қуйидагича:

- банк, сугурта, лизинг; кредит ва воситачилик фаолиятида – 15,3 миллион сўм;
- ахборот ва алоқа соҳасида – 13,1 миллион сўм;
- ташиш ва саклаш соҳасида – 8,1 миллион сўм;
- саноат соҳасида – 6,4 миллион сўм;
- савдо соҳасида – 6,2 миллион сўм;
- қурилиш соҳасида – 5,9 миллион сўм;
- яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳасида – 4,6 миллион сўм;
- санъат, қўнғил очиш ва дам олиш соҳасида – 4,3 миллион сўм;
- таълим соҳасида – 3,6 миллион сўм;
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида – 3,4 миллион сўм.

ВАЖ

ҚАНЧАЛИК АСОСЛИ ЭДИ?

Касаба уюшмалари аралашуви билан

30 йиллик меҳнат таътили пули

тўлаб берилди



Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори Бектош Нахалов 1993 йилдан буён меҳнат таътилида бўлмаган экан. Унинг таътил сўраб берган аризалари тиббиёт бирлашмаси мутасаддилари томонидан муттасил рад этиб келинган. Маъмурият соҳада унинг вазифасини бажарувчи мутахассис бўлмаганини вақт келиб, ходим ҳуқуқини поймол қилган.

Касаба уюшмалари томонидан ходим мурожаати жиддий ўрганилди. Бирлашмада ўтган 31 йил мобайнида Бектош Нахаловга атиги бир марта (аниқроғи, 2018 йил 13 июнда) меҳнат таътили расмийлаштирилган ҳолос.

Жамоат ташкилотининг маъмурият билан олиб борган музокаралари бесамар кетди. Орадан неча йиллар ўтгани қанча раҳбарлар алмашгани чуваллашиб кетган масаланинг ечимига тў-

сиқ бўлди. Муаммони судда ҳал қилишга тўғри келди. Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди масалага адолатли нукта қўйди. Ходимнинг фойдаланилмаган таътил кунлари учун 167 522 841 сўм компенсация пули, фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун тўланиши лозим бўлган суммани 137 календарь кунига кечиктирилган учун 307 538 422 сўм компенсация пули ундирилиши тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариб, ижрога йўналтирилди.

Меҳнат қонунларига риоя этмаслик Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси мутасаддиларига қимматга тушди.

Ғолиб РУСТАМОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенашчи меҳнат ҳуқуқ инспектори



Ортиқча саволга ўрин қолмади

Алоқа тарихи музейида Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши «Бошланғич касба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни Низом талаблари асосида ўтказиш» мавзусида ўқув-семинар ўтказди.

Тадбирни тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Ишанжўзев очиб, ўтган беш йиллик фаолият мобайнида касба уюшмалари томонидан аъзолар манфаати йўлида амалга оширилган ишлар ва олданда турган долзарб жараён – ҳисобот-сайловлар юзасидан сўз юритди.

Шундан сўнг мавзу юзасидан маъруза тинглади. Ҳисобот-сайлов конференциясини олиб бориш, бошланғич касба уюшма кўмитаси таркиби ва раисини, тафтиш комиссиясини сайлаш каби жараёнлар слайд ёрдамида тушунтирилди.

– Бу йилги сайловларда қатор янгиликлар киритилган. Буни бошланғич ташкилотларга етказишимизда ушбу тадбирнинг аҳамияти катта бўлди. Айниқса, ҳисобот-сайловлар жараёни амалий тарзда кўрсатиб ўтилган йиғилганлар учун кизкарли бўлиб, ортиқча саволларга ўрин қолдирилди, – дейди Республика кенгашининг ижтимоий химоя масалалари бўйича бош мутахассиси Юнус Гапуров.

Ўз муҳбиримиз

Алиевни идорадан топиш мушкул. Учрашишга ваъдалашилган куни ҳам келмади. Сизни «Мароқандобод» корхонасида кутаётганимиз, дейишгандан сўнг йўлга отландик.

Озодалик фаришталари меҳнат қилаётган бу жамоада йил – ўн икки ой ҳайат кайнайдими. Бир кунда шаҳарни 600-700 тонна маиший чикиндилардан ҳоли қилаётган жамоанин чиндан-да меҳнати осонмас. Айниқса, кишили-кировли, изгиринли кунларда ҳар бир ходим чинакамига матонат кўрсатишига тўғри келади. Корхонада тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиши соҳалари ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилояти билан ҳамкорлик қилишга раис Бобир Алиев, «Мароқандобод» давлат корхонаси раҳбари Расулбек Тўлқинов, бошланғич касба уюшма ташкилоти раиси Зайниддин Махмудовни кизгин баҳс устида учратдик.

– Йигирма йилдан зиёд Самарқанд ободлигига хизмат қилувчи ушбу тизимни бошқарганман. Айниқса, куз ва қиш мавсумида соҳа ходимларига алоҳида афзалликлар берилиши керак, – дейди Бобир Алиев. – Шаҳар флора ва фаунаси ана шулар меҳнатидан намоён бўлади. Худуддаги 215 та маҳаллага бу соҳа вакиллари кунга бир кўз ташламаган ҳолатни энди ўзингиз баҳолайверинг. Маъмурият ва тизим касба уюшмаси олдига қатъий талаблар қўйганмиз. Чикинди билан ишловчиларнинг усти бут, қорни тўқлиги доимий кузатувимизда.

Бобир Алиевнинг бир одати бор. Машинасида доим кўчада ишлаётганлар учун нон ва термосда чой олиб юради. Унинг таъбири билан айтганда, бу унинг соҳада орттирган «эски касали» эмиш.



53 ёшида уйли бўлди

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони» жойларда мурожаатлари ўз эгаларига етиб бормаётган юрдошларимизнинг овози ва муаммоларини масъулларга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда ҳам ана шундай иккита мурожаат ўрганилиб, эгаларига ёрдам берилди.

Жумладан, пойтахтимизнинг Сергели туманида яшовчи фукаро мурожаат қилиб, 6 нафар фарзанди борлигини, улардан бири Садриддин Сайфуллиннинг I гуруҳ ногирони эканини, ногиронлиги бор шахсларга бир марталик моддий ёрдам пули берилиши кераклигини айтди. У ўз арзида Сергели тумани ҳокимлиги ва ўзи яшаётган МФЙ масъуллари турли баҳоналарни рўқач қилиб, моддий ёрдам беришни рад этишганини кайд этди. Шу боис, «Ишонч телефони» ходимларидан бир марталик моддий ёрдам пули ажратилишида амалий ёрдам сўради.

Мурожаат ўрганилди. Натига-

да фукаронинг ўғлига саломатлигини тиклаш учун «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик 14 455 000 сўм миқдорда моддий ёрдам берилди.

Яна бир мурожаатчи тақдирнинг аччиқ зарбасидан умри сарсон-саргардонликда кечган 53 ёшли Ольга Туйкина. У бир кўзи ожиз бўлиб туғилди. Фарзандининг келажигидан хавотирланган онаси дилбандини меҳр оғушида қатта қилди. Аммо она оламдан ўтгач, Ольга опанинг акаси улар яшайдиган уйни сотиб, Россияга кўчиб кетди. Ёрдамга муҳтож синглини қариндошлариникида қолдириди. Тақдир экан, Ольга опа турмушга чиқди ва

бир кизли бўлди. Аммо қайнонаси ва турмуш ўртоғининг ожиза аёл ва кизалокка бўлган меҳри жуда тез сўнди. Кекса она ва унинг масъулиятсиз ўғли она-болани кўчада қолдириб, ўзлари уйни сотиб, Россияга кетишди.

Юртимизда яхши инсонлар кўп. Йигирма йилдирки, Ольга Туйкина гоҳ яқин дугонсининг бўш турган уйда яшаса, гоҳ сахий инсонлар ёрдами билан бошқа жойларда яшайди. Аммо ҳузур-ҳаловат нималигини ҳис қилмади. Кўп марта Яшнобод тумани ҳокимлиги ва бошқа масъул идораларга уй-жой масаласида ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Бироқ мурожаатлари эътиборсиз қолдирилгач, «1211»га сим қоқди.

Натига узок куттирмади. «Ишонч телефони» жамоасининг Яшнобод тумани ҳокимлиги масъуллари билан олиб борган музокараларидан сўнг Ольга опага тайинли бошпана – икки хонали уй ажратиб берилди.

Биз опанинг ҳолидан хабар олиш учун у яшаётган хонадонга бўлдик. Фарзанди ва икки набираси билан бирга яшаётган юрдошимиз «Жуда кўп жойларга бордим, уйсизлигимни айтдим, ёрдам сўрадим. Фақат Касба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилганимдан сўнг ўзгариш бўлди. Бундан жуда миннатдорман», деди.

Ха, умрининг асосий қисми сарсон-саргардонликда кечган бўлса-да, ҳечдан кўра кечган яхши деганларидек, Ольга опа бошпанали бўлди. Энди унинг дилидаги гам ва қайғулар аста-секин ариб, ўрнини хурсандчилик ва шукроналик эгалласа не тонг.



Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Алиевни кўрмадингизми?

Тузилма бажараётган юмуш оғир. Тизимда юзага келган дебитор қарздорлик соҳа гарданига зил-замбил юк бўлиб тушапти. Бу ҳол касба уюшмаларини ҳам бефарқ қолдираётган. Самарқанд шаҳри ва туманидаги кўлаб ташкилотлар кўрсатилган хизмат ҳақини ўз вақтида тўламаётгани қарздорлик охири кетишига сабаб бўлган. Корхонанинг дебитор қарздорлиги 9 миллиард сўмдан зиёд эди. Бобир Алиевнинг айтишича, агар бу маблағ ташкилот газнасига келиб тушса, соҳада ишлаётган 420 нафардан зиёд ишчи-ҳодимларга яратилган меҳнат шартлари ўн қарра яхшиланган бўларкан. Ўтган даврда тармоқ касба уюшмаси ва корхона маъмурияти ҳаракати билан 2 миллиард сўм атрофидаги дебитор қарздорлик бартараф этилди. Натигада ходимларга тўланаётган ўртача ойлик маош миқдори 3-3,5 миллион сўмга кўтарилди. Айни чоғда қолган 7 миллиардлик қарздорлиқни ундириш ҳаракатлари давом эттириляпти.

Алиевнинг соҳага алоҳида эътибор қаратишига асос бўлувчи омиллар бор. Кейинги йилларда тизим ходимлари орасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликлар кетма-кет рўй берди. 2023 йилда Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг Боғибаланд участкаси кўкаламзорлаштирувчиси Зулайхо Абдураимова иш вақтида бахтсиз ҳолиса туфайли ҳалок бўлди. Касба уюшмалари аралашуви билан жабрдийда оилага 158 миллион 756 миң 232 сўм миқдорда бир марта тўланадиган нафақа ва тўловлар ундириб берилди. Ўтган йили

эса айнан шу бошқарма ишчиси И.Суванов тоқ чакнаши туфайли тасодифий ҳалокатга йўлиқди. Боқувчисини йўқотган оилага 159 миллион сўм бир йўла нафақа тўлаиб, иш бевуричи томонидан олий таълим муассасасида таҳсил олаётган фарзанди Р.Турсуновга ўқув юртини тугатгунга қадар нафақа белгиланди.

– Бу воқеалардан кейин тизимдаги техник ходимларнинг касб малакаси, хавфсизлик талабларидан бохабарлигини оширишга жиддий эътибор қаратиляпти, – дейди вилоят бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Бобир Алиев. – Ўтган йил мобайнида 38 нафар бошланғич касба уюшма ташкилоти етакчиси, 11 нафар меҳнат муҳофазаси мутахассиси, 8 нафар газ ускунаси устасини 40 соатлик дастур асосида ўқитдик. Бундан ташқари, касба уюшмалари қошидаги «Самарқанд зиё» ўқув марказида меҳнат ҳуқуқи, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича 18 соатлик ўқув курсларида 68 та корхона-ташкilotда ишловчи ходимлар ўқувини ташкил этдик. Мақсадимиз – соҳада ишловчи бирор-бир ходим иш жараёнида кўнгилсизликка учрамастлигини қафолатлашдан иборат.

Етакчини ўйлантираётган муаммолар оз эмас. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари билан ижтимоий шериклик соҳасидаги ишлар хақида ҳам юришавермади. Ургут эркин иқтисодий зонаси дирекцияси билан ҳамкорликка эришилди. Музокаралар натижаси ҳам ёмон эмас. 272 та ташкilotда ишловчи 25211 нафар фукаро ўз

истак-хоҳиши асосида жамоат ташкилоти сафига қабул қилинди. Касба уюшмалари таркибига кирган 67 та корхонада меҳнат қилаётган 598 нафар аёл жамоа шартномалари орқали иш ҳақи сақланган ҳолда 35 соатлик меҳнат тартибиде ишлаяпти. Аъзо ташкилотларнинг ақсарияти хусусий бошқарув тасарруфида бўлган бир шартотда ходимлар меҳнати муҳофазаланмоқда. Тармоқ кенгаши ташаббуси, амалий тавсиялари асосида 248 та корхонада ишлаб кетган 13897 нафар собиқ ходимни ижтимоий ҳимоялаш механизми ишлаб чиқилди ва улар моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

...«Аёллар дафтари»нинг галдаги босқичи юзасидан Самарқанд туманига бириктирилган етакчини яна кутишимизга тўғри келди. Кўмита мутахассислари Дилбар Мустафоқуллова, Майсара Саъдуллаева, Дилором Юсуповалар сайлов режасини пишиштиётган экан. Айни чоғда тармоқ касба уюшмаси олдига муҳим бир савол қўндаланг бўляпти. «Бизга қандай раис керак?», деган масала атрофидаги мулоҳазалар оз эмас. Негаки, ўтган йилги ўрганишларда 18 та хусусий корхонада сайлаб қўйилган етакчилар панд берди. Улар орасида жамоа ишончини оқламаган, жамоатчилик вазифинига лоқайдлик билан қараганлар ҳам бўлди. Ташкilot юқини торта олмаган бир нечта бошланғич ташкilot раҳбари аъзолар тақлифи билан алмаштирилди.

– Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси тақлифи асосида бу ташкilot етакчилигига ёш, ташаббускор Шерзод Анорбоевни, Ургутдаги жамоага Шерзод Йўлдошевни раис қилиб сайлаганлар янгилиқмади, – дейди сафардан қайтган Бобур Алиев энгли тин олиб. – Шижоатли ёшлар тезда маъмурият ва жамоа олдига ўзини кўрсатиб, барчанинг ишончини оқлади. Энди навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта ҳозирлик кўрмасак бўлмайди. Асосий эътиборни меҳнат жамоаларида бўлиб, ходимларнинг хоҳиш-истакларини ўрганишга қаратганмиз. Ниятимиз – одамлар ўртасида ҳурмат қозонган, ишчиларга ҳамдард бўла оладиган, ташаббускор етакчи сайланишига эришилди.

Сарқор мўлжаллаган кейинги манзил вилоят Хўнарманлар уюшмаси эди. Кенг қўламли ҳамкорлик ижроси хусусида кейинчалик сўз юритамиз.



Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Кенгаш мажлиси

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Тошқент шаҳар кенгашининг V мажлиси бўлиб ўтди. Унда кенгашининг ўтган йилги фаолияти яқунлари ҳамда жорий йилги устувор вазифалари таҳлил этилди.

Сўнгра Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг 2024 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тизимдаги касба уюшмалари ташкilotларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўқув-семинар ўтказилиб, иштирокчиларга мавзу юзасидан тушунчалар берилди. Уларни кизқитириган саволларга жавоб қайтарилди. Йиғилишда июнь ойида тармоқ ходимлари касба уюшмаси Тошқент

шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов II Конференциясини чакиритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, бошланғич ташкilotларга ишлаш жараёнида фойдаланиш учун ҳисобот-сайлов ўтказиш бўйича Низом, қўлланма ва ҳужжатлар тўплами тарқатилди.

Гулноза ТОШПҮЛОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касба уюшмаси Тошқент шаҳар
кенгаши раиси

Ламда БУГУН



Лазерли бомбалар синови

Эрон қуролли қучлари ҳарбий машғулотлар пайтида илк бор лазерли бомбаларни намойиш этди. Ушбу лазерли бомбалар тизими юқори аниқлик ва кучга эга бўлиб, ҳар қандай об-ҳаво ва географик шароитда муваффақиятли ишлайди.

Аввалроқ Эрон Gaza номли янги оғир дронни тақдим этган эди. У 8 та бомба ташинч, ҳавода 35 соат қолиш ва 4000 километр узоқликдаги нишонларни йўқ қилиш қобилиятига эга.



Қозғистонда АЭС

Қозғистон президенти Қосим-Жомарт Тоқаев мамлакатда энергетик танқислик қучайиб бораётгани фондида илк атом электр станцияси (АЭС) қурилишини тезлаштиришга қарор қилди.

«Биз нафақат биринчи АЭС қурилишини жадаллаштиришимиз, балки ядровий кластерни ривожлантириш учун асос яратишимиз ҳам керак. Бу бўлмаса, Қозғистоннинг изчил ривожланиши таҳдид остида қолади», деди у ҳукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида.

Тоқаев иккинчи АЭС қуриш учун жойни аниқлаш вазифасини ҳукумат ва парламентга юқлади.

2024 йил ноябрда ўтказилган референдум натижаларига кўра, 71,12 фоиз иштирокчи Қозғистонда биринчи АЭС қурилишини қўллаб-қувватлаган. Станциянинг 2035 йилга қадар мамлакат жануби-шарқда жойлашган Балхаш кўли атрофидаги Улкен қишлоғи (Олмаота вилояти, Жамбил тумани) ҳудудида қурилиши режаллаштирилмоқда. Бу мин-



Гаровдагиларнинг 8 нафари ҳалок бўлган

ХАМАС томонидан олиб кетилган 33 нафар гаровдаги шахсдан 8 нафари ҳалок бўлган.

«ХАМАС қолганлари тирик эканини тасдиқлади», деди ҳукумат вакили Давид Менцер.

Гаровда ҳали 90 нафарга яқин киши бор. Исроил ҳукуматининг фикрича, уларнинг учдан бири ёки ярами мижаронинг дастлабки кунларида ҳалок бўлган бўлиши мумкин.

Трампа ва Нетаньяху учрашади

АҚШ президенти Дональд Трамп ва Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху 4 февраль куни Оқ уйда учрашади.

Исроил бош вазирининг матбуот хизмати ёзма баёнотда Трамп Нетаньяхуни расман Оқ уйга тақлиф қилганини маълум қилди. Баёнотга кўра, Нетаньяху Трамнинг президентликка иккинчи марта қилганидан сўнг Оқ уйга тақлиф қилинган илк хорийжий етакчи бўлади.

Исроил матбуотининг маълумотларига кўра, учрашува ҳудудий масалалар, хусусан, Газодаги ўт очини тўхтатиш бўйича музокаралар муҳокама қилинади.

ХОДИМНИ МЕҲНАТ ТАЪТИЛИДАН ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Меҳнат кодексининг 232-моддасига кўра, ҳар йилги меҳнат таътилидан чақириб олишга таътилнинг исталган вақтида фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Шу муносабат билан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ходимга бошқа вақтда ёки Меҳнат кодексининг 230- ва 231-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда кейинги иш йилида берилиши керак.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларни, ҳомиладор аёлларни ва меҳнат шaroитлари ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Ходимнинг розилигисиз таътидан чақириб олишни меҳнат шартномаси ёки ички локал ҳужжатларга киритиш мумкинми?

Йўқ, мумкин эмас. Меҳнат кодексининг 8-моддаси, 2-қисмига кўра, ҳеч бир ички ҳужжат, иш берувчининг яққа тартибдаги ҳуқуқий ҳужжати ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ёмонлаштириши мумкин эмас. Шунингдек, 105-моддага биноан меҳнат шартномаси мазмунига ходимнинг ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартлар киритилмаслиги керак, агар улар киритилган бўлса, ҳақиқий ҳисобланмайди.

Таътидан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Бундай розиликсиз чақириб олиш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддасига мувофиқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солинади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Ходим иш берувчидан уни таътидан чақириб олишни талаб қилишга ҳақлими?

Ходим унга берилган таътилни тўхтатиб, иш берувчидан уни таътидан чақириб олишни талаб қилишга ҳақли эмас.

Қимларни таътидан чақириб олиш мумкин эмас?

Меҳнат кодексининг 232-моддаси, 2-қисмига кўра, 18 ёшга тўлмаган ходимлар, ҳомиладор аёллар ва меҳнат шaroитлари ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимларни ҳар йилги меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат таътилидан чақириб олиш қандай расмийлаштирилади?

Ходим таътидан чақириб олишга розилиги тўғрисида алоҳида ариза ёзиши, шунингдек, розилигини бевосита иш берувчининг буйруғида ёзиб, имзо ва сана қўйиш билан акт этириши мумкин. Буйруқдаги ёзув шундай мазмунда бўлиши мумкин: «Таътидан чақириб олинишига ва унинг фойдаланилмай қолган қисмини бошқа муддатга кўчиришга қарши эмасман» ёки «Меҳнат таътилидан чақириб олишларига розиман».

Ходимнинг ёзма розилиги асосида буйруқ расмийлаштириш ва ходимни у билан таништириш.

Агар томонлар таътилни бир қисми жорий йилда тақдим этилиши тўғрисида келишган бўлса, буйруқда бу қисмдан фойдаланиш оғин ёки календарь даври кўрсатилиши ёки таътилни фойдаланилмаган қисми жорий йилда ходимнинг аризасига кўра, тақдим этилиши тўғрисида ёзилиши керак. Томонлар таътидан чақириб олиш ва унинг бир қисмини кейинги иш йилига кўчириш тўғрисида келишган бўлсалар, буйруқда фойдаланилмай қолган қисмларнинг кўчирилиши ва уларнинг таътилар жадвалига мувофиқ кейинги иш йили учун бериладиган навбатдаги таътил билан бир вақтда тақдим этилиши тўғрисида очик-ойдин кўрсатиш.

Чақириб олиш вақтида таътилар жадвалининг «Изоҳлар» устунига тегишли ёзув киритиш. Ходимнинг таътидан чақириб олингани, чақириб олиш санасини, чақириб олиш тўғрисидаги буйруқ реквизитларини ва таътилни қолган қисмидан фойдаланиш вақтини кўрсатиш. Агар сиз фойдаланаётган жадвалда бундай устуни мавжуд бўлмаса, бу маълумотларни бошқа мос келадиган бўлимга киритишингиз мумкин.

Ходимни неча кундан сўнг таътидан чақириб олиш мумкин?

Ходимнинг розилиги билан уни таътилга чиқкан куннинг эртасига таътидан чақириб олиш мумкин. Ҳар йилги меҳнат таътилидан чақириб олишга таътилнинг исталган вақтида фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Яъни 14 ёки 21 календарь кундан кейин чақириб олиниши шарт, деган талаб йўқ. Фақат таътилни фойдаланилмай қолган қисми ходимга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши ёки МКнинг 230-

ва 231-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда кейинги иш йилида берилиши керак.

Меҳнат кодексининг 230-моддасига кўра, ҳар йилги меҳнат таътили ҳар йили, ушбу таътил берилмаётган иш йили тугагунга қадар берилиши керак.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга сабабларга кўра жорий йилда ҳар йилги меҳнат таътилини тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда ходимнинг розилиги билан таътилни 14 календарь кундан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин бўлиб, ушбу йил давомида ундан фойдаланилиши шарт.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга, ногиронлиги бўлган ходимларга ҳар йилги меҳнат таътилини, шунингдек, МКнинг 481- ва 483-моддаларида кўрсатилган ҳар йилги қўшимча таътиллари бермаслик тақиқланади.

Меҳнат кодексининг 231-моддасига кўра, ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан ҳар йилги меҳнат таътили қисмларга бўлиниши мумкин. Бунда ушбу таътилни имкон қадар бир қисми 14 календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Ходим таътидан чақириб олинса, таътил пули қайтариб бериладими?

«Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланган қолмаган ўртacha иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 21-бандига кўра, ходим таътидан чақириб олинса ва таътилни қолган қисми бошқа муддатга кўчирилса, таътилни кўчирилган қисмига тўғри келадиган тўланган ўртacha иш ҳақи суммаси бажарилган иш ёки ишланган вақт учун ойлик иш ҳақи ҳисобига ёзилади. Таътилни фойдаланилмаган қисми кунларига ҳақ тўлаш учун ўртacha иш ҳақи белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади.

Таътил қисмларга бўлинганда сақлаб қолинаётган ўртacha иш ҳақи ушбу Йўриқномада белгиланган тартибда ҳар бир қисм учун алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Таътидан чақириб олишда таътилни фойдаланилмай қолган қисмини пуллик компенсация билан алмаштириш мумкинми?

Ҳа, мумкин. Бу ҳолатда Меҳнат кодексининг 234-моддаси талабларига риоя қилиш лозим. Айтиб ўтиш жоизки, 18 ёшга тўлмаган ходимларга, I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга бериладиган ижтимоий таътиллarning барча турларидан, ҳар йилги узайтирилган асосий меҳнат таътиллardan, шунингдек, МКнинг 481- ва 483-моддаларида назарда тутилган қўшимча таътиллardan асли ҳолда фойдаланилади ҳамда меҳнат даврида уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Ходимни ижтимоий таътиллardan, иш ҳақи сақланмайдиган таътидан чақириб олиш мумкинми?

Ходимни таътидан чақириб олиш қондалари ҳар йилги меҳнат таътилга нисбатан таътил қилинади. Меҳнат кодексининг 216-моддасига кўра, ҳар йилги меҳнат таътилининг турлари қуйидагилардан иборат:

асосий меҳнат таътили (ҳар йилги асосий энг кам ёки ҳар йилги асосий узайтирилган);

Меҳнат кодексининг 222-моддасида назарда тутилган тартибда асосий энг кам ёки асосий узайтирилган таътил билан жамлаб ҳисобланадиган қўшимча меҳнат таътили;

Меҳнат кодексининг 236-моддасига кўра, ходимларга оналик, болаларни парваришлаш, таълим олиш учун қулай шарт-шaroитлар яратиш мақсадида, шунингдек, бошқа ижтимоий мақсадларда бериладиган таътилар ижтимоий таътиллardир.

Таътидан чақириб олиш қондалари, яъни 230-, 231-, 232-моддалар ижтимоий таътиллarda, шу жумладан, иш ҳақи қисман сақланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмайдиган таътиллarda нисбатан қўлланилмайди.



Гульнара РЗАЕВА,
Ўзбекистон
қасаба уюшмалари
Федерацияси
Меҳнат инспекцияси
қошиқдаги
Мурожаатлар билан
ишлари шубҳаси
мудир



Реклама ҳуқуқида

«ОРЗУДАН МУВАФФАҚИЯТГАЧА...»

Нукус шаҳрида шу шиор остида «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ташаббуси ва Республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида иккинчи хотин-қизлар форуми бўлиб ўтди



Унда коракалпоғистонлик ишбилармонлар, шунингдек, тадбиркорликка қизиққан 250 нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

Молия муассасаси томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, 2021-2024 йилларда «Микрокредитбанк» томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 210 миң нафардан ортиқ хотин-қизга 3,7 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Жумладан, Қоракалпоғистонда 19 миң нафарга яқин хотин-қиз учун 267 миллион сўм кредит йўналтирилди.

2024 йилнинг ўзида банк 89592 нафар хотин-қизнинг бизнесини молиялаштириш учун 1 триллион 604 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратди. Натижанда 92200 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Тикланиш ва та-

рақийет жамғармасидан маблағ жалб қилиниб, 19370 нафар хотин-қизга 253,2 миллиард сўм сармоя берилди.

Қайд этиш жоизки, мазкур қарор хотин-қизлар тадбиркорлигини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Жумладан, унда аёлларни бизнесга жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш механизмлари аниқ белгилаб берилган. Миносол учун, Нукус шаҳридаги «Қосқўл» маҳалласининг 2148 нафар аҳолиси орасида хотин-қизлар фаол тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Улар каспачилик, хунармандчилик, паррандачилик, ҳамширалик каби 15 га яқин йўналишда ўз бизнесини йўлга қўйган. Йил бошидан буён ушбу маҳаллада 92 нафар хотин-қизга банк томонидан 841 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилди. Уларнинг аксарияти уйдан чиқмаган ҳолда тадбиркорликни бошлашга муваффақ бўлди.

Форум доирасида Чимбой тумани ҳокимлиги давлатимиз раҳбарлиги «Гулистон» маҳалласининг тадбиркор аёли Мавлуда Алимбетова хонадонда амалий семинар ташкил этилди. Унда жисзахлик тажрибали тадбиркор, «Ўзбекистонда хиз-

маг кўрсатган тадбиркор» Шарофат Нориева иштирок этди ва маҳалладаги 50 дан ортиқ хотин-қизга гулчилик ва декорчиликдан даромад топиш сирларини ўргатди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда иқтисодиёт ва sanoat тармоқларида аёллар улуши 46 фоизни ташкил этади. Шунингдек, 120 миңдан зиёд кичик бизнес субъектлари ва 4550 дан ортиқ фермер хўжалиқлари аёллар раҳбарлик қилмоқда. Келгуси икки йилда кичик ва ўрта бизнесда хотин-қизлар улушини 25 фоиздан 40 фоизга ошириш режалаштирилган.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар минглаб аёлларнинг бизнес-лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашмоқда. Банк 2025 йилда ҳам бу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтиришни режалаштирган. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган хотин-қизлар фаолияти мунтазам ўрганилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиб борилади.

Эслайтиб ўтамиз, «Орзудан муваффақиятга...» форуми илк бор Бухоро шаҳрида ўтказилган эди.

Банк Ахборот хизмати

қурилиши тезлашади

тақа энергетик танқислик энг кучли хис этиладиган худудлардан бири саналади. Лойиҳанинг қиймати 10-12 миллиард АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Қозғоғистон ҳукумати халқаро консорциумни жалб қилиш ниятида. АЭС қурилиши учун Россиянинг «Росатом», Хитойнинг CNNC, Жанубий Кореянинг KHNP ва Франциянинг EDF компаниялари даъвогарлик қилмоқда.



ҚХДР ядро қалқонини кучайтиради

Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин мамлакат ядро салоҳиятини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

«Жаҳондаги вазият беқарор, энг хавфли рақиблар билан тўқнашув муқаррар. Янги таҳдидларга стратегик тайёргарлик қўриш керак», деди у Корея Марказий ахборот агентлиги (KCNA) берган баёнотида.

Ким Чен Ин 2025 йили хозирдаги ядровий лойиҳаларни яқунлаш учун ҳал қилувчи йил деб атади.



Ғарб ёрдами тўхтаसा...

«Агар Ғарб мамлакатлари Украинани қўллаб-қувватлашни тўхтатса, Россия билан можаро тез яқунлашиши мумкин», деди Россия президенти Владимир Путин. Унинг сўзларига кўра, бу ҳолатда низои тугатиш учун қўли билан икки ой керак бўларди.

«Улар ёрдамсиз бир ой ҳам дош бермайди. Агар пул ва кенг маънода айтганда, ўқ-дори келиши тўхтаसा – ҳаммаси тугайди. Бир ой, бир ярим, икки ой... Шу билан тамом», деди Путин.

Россия раҳбари, шунингдек, Москва ва Киев ўртасидаги музокара-лар натижасини Украинадаги легитим раҳбарият тасдиқлаши кераклигини таъкидлади. Унинг айтишича, амалдаги Украина ҳукумати музокараларни тақикловчи қонунни имзолаган, аммо уни бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Жинс алмаштириш амалиёти молиялаштирилмайди

АҚШ президенти Дональд Трамп вояга етмаганлар учун жинс алмаштириш операциялари ва гормон терапиясини молиялаштиришни тақиқловчи фармонни имзолади.

«Шифокорлар жинс алмаштириш баҳонасида болаларни ногирон қилиб қўймоқда ва уларни стерилизация қилмоқда. Бу мамлакатимиз тарихидаги шар-

мандали саҳифа ва унга барҳам бериш керак», деди Трамп.

Фармонга кўра, АҚШ ҳукумати 19 ёшга тўлмаган шахслар учун бундай тиббий хизматларни молиялаштирмайди. Соғлиқни сақлаш вазирига болалардаги гендер дисфориясини даволаш бўйича тавсияларни қайта кўриб чиқиш топширилди.



Жаҳонгир НАХАНОВ
таърифи



— Дилоро, наҳотки, бу сен бўлсан?
— Менман, Мухаммад ака, менман!
— Сен бу гурбатхонада нима қилиб юрибсан?
— Мени ҳам хибсага олишди...
— Фарзандларимиз қаерда?
— Уларни НКВДчилар Болалар уйига топширишди. Онам қарайди, десам ҳам кўнишмади.

— Азизам, бу дунёга биз бевақт келган эканмиз, пешонамга сен билан бахтли яшаш ўрнига ҳаётингни қамокда азоб билан ўтказиб, ўлиб кетиш ёзилган экан. Сенга бир нарсани айтиб қўяй. Мен ҳеч қачон халқ душмани бўлмаганман, ҳеч қачон ва ҳар қандай ҳолатда давлатни алдаганим йўқ. Ҳеч қачон хиёнат қилганим ҳам йўқ. Аммо бу ерда мени мажбурлаб, жиноятчига айлантиришди. Шундай бўлса-да, қалбим тоза. Мен бу ерга айбсиз келганман, бу дунёдан ҳам айбсиз ўтиб кетишим керак. Мен Худодан бу зиндондан эсон-омон чиқиб кетишингни, жондан азиз фарзандларимизга бош бўлиб, узоқ ва бахтли яшаш сен ва болаларимизга наҳот қилишини тилайман.

Бу каби маълумотларни тинглаган, экспонатлар реал ҳаёда бўлаётгандек «сўзлаётгани»дан таъсирланиб, уларнинг ҳолатини ҳис этган барчаннинг кўзида ёш милтиллайди.



ЖИМГИНА СЎЗЛАЁТГАН ТАРИХ

Ўзбекистон прокуратураси тарихи музейига саёҳат

Қатагон йиллари рамзи – «қора қарга» номи билан машҳур тарихий автомобиль музейининг нодир экспонатларидан ҳисобланади. Унинг шарпасидан ҳам кўркишган, кимнинг хонадонини олдида тўхтаसा, бу оила парокандаликка юз тутган, унда олиб кетилган киши ортига қайтмаган. Жиззах кўзголини эса аёвсиз бостирилган. Иштирокчиларнинг аксари қамокхонада отиб ташланиб, халқ кўриб қолмаслиги учун яширин туннель орқали олиб чиқилган ва «турмадан» узоқ бўлганда жойига кўмиб ташланган.

Сурғундаги турмуш ўрғоғини излаган аёллар Қозғистондаги АЛЖИР (Ватан ҳонини бўлган инсонлар аёллари сакланган лагерь)га юборилиб, оғир синовларга дучор этилган. Шундай ситамли кўнларда уларни маҳаллий болалар тошбўрон ҳам қилиб туришди. Аёллардан бири отилган тошдан сут таъми келтирилгани сениб қолиб, «тошбўрон»нинг асл моҳиятини аниқлаб қолишди. Оқибатда тўйимли овқат бўлган кўришга еб жон саклашади. Ёрдам берса, ўз бошига ҳам қулфат тушишини билган маҳаллий халқ шу усулдан фойдаланган. Болаларини хавф остига қўйиб бўлса-да, бунга журтат эттишган. Шундай оғир дамба ҳам инсонлар бир-бирини мардона қўллаб-қувватлашган.

Мақоламиз бошидаги диалог, ҳам ўзбек замонавий ҳуқуқшуноснинг асосий асоси Мухаммадjon Мўминов ва унинг рафиқаси, Ўзбекистондаги биринчи аёл ҳуқуқшунос, 1925 йили 24 ёшида Ўзбекистон Республикаси прокуратура ёрдамчиси лавозимига тайинланган Дилоро Юсупованинг тергов жараёнида учрашувидаги суҳбатдан парча.

Уша маъшум кун, яъни 1937 йилнинг 29 мартида Ўзбекистон Адлия комиссарлигининг аҳолига юридик ёрдам ва суд химоя

бўлими бошлиғи бўлган турмуш ўрғоғини «қора қарга» олиб кетгач, Дилоро Юсупова эри юрт учун кўп иш қилганини, айбсиз эканлигини айтиб, марказга хат ёзди. Шундан сўнг у ҳам лавозимдан олинди, икки йил қамокка ташланган. Терговда улар юқоридаги ҳолатда бир марта учрашди.

Бу каби маълумотларни тинглаган, экспонатлар реал ҳаёда бўлаётгандек «сўзлаётганидан» таъсирланиб, уларнинг ҳолатини ҳис этган барчаннинг кўзида ёш милтиллайди.

Қатагон. Бу нафақат миллий овозлиқ характери учун қурашган Қодирий, Чўлпон, Мунаввар Қори каби иждоқорлар, балки бошқа соҳаларда ишлаган инсонлар бошига ҳам қулфат ёғдирган давр. Қурбонлар сафида прокуратура ходимлари ҳам бисёр бўлиб, улар ҳам қийноқларга дучор этилган, сурғун қилинган, отилган. Изланишлар жараёнида 160 нафардан зиёд қатагон бўлган прокурор аниқланди, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Тарихий хотира бекети» китобининг биринчи ва иккинчи жилдларига 80 нафар шахс киритилган.

Бўлимларни кезар эканмиз, кейинги даврларда ҳам ҳуқуқ химоячиларига осон бўлмаганини, «Пахта иши» уларнинг кўпчилигини ўз домига тортганини билиб оламиз.

— Ушбу музей Ўзбекистон прокуратурасининг 30 йиллиги олдидан ташкил этилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 31 августда «Шахидлар хотира» қўшма қарори билан «Тарихий хотира бекети» қўшниқига берган топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил 11 сентябрда Бош прокурорнинг тегишли фармойиши чиқди. Шу асосда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида музейда Қатагон қурбони бўлган прокуратура

лан маданий мерос объекти рўйхатига олинди, ҳозир унда реконструкция ишлари кетмоқда.

Музейнинг фойе қисмидаги деворий сурат прокурор кифасининг асрлар кесимида ўзгариб боришини акс эттирди. Келувчилар энг сўнгги технологиялар ёрдамида яратилган «Адолат – ҳамиша голиб» номи прокуратура соҳаси тарихига бағишланган маппинг шоу билан танишади. Музейнинг йирик ҳажмдаги кутубхонаси эса бой китоб фондига эга.

Музейнинг 2022 йилда ташкил этилган дастлабки бўлими Ўзбекистон прокуратурасининг энг қадимги даврдан то бугунги кунгача бўлган тарихи акс этган етти қисмдан иборат. Шунингдек, бу ерда электрон музей ҳам ташкил этилган. Унда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ходимлар, байналмилалчи жангчилар ҳамда хизмат вазибаларини бажариш чоғида халқ бўлганлар ҳақида маълумотлар берилган. Олий даражали унвонга эга бўлганлар, давлат ва идора мукофотлари олганлар, қолаверса, илм-фан соҳасида ютуққа эришганлар ҳамда спорт мусобақалари голиблари ва илм намоёндалари тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган.

Музей фондида 5 мингга яқин ҳужжатлар, 7 мингдан ортиқ фото ва видеоматериаллар, 2 мингга яқин экспонатлар жамланган.

Музейга қайтиб иш кўрмак хайрийдир, деган эди улуғ адиб Абдулла Қодирий. Бизни ўтмишга етаклаган бугунги кун кифаси ҳам акс этган жараёнлар таъсирида вақт ўтганини ҳам сезмай қолганимиз. Олис-яқин ҳаётимизнинг айрим аччиқ томонларидан жимгина сўзлаётган тарих бизга кўп сабоқ бериши, ўзини, ўзлигини аниқлаш инсон бу ҳолдан тегишли ҳулоса чиқариши тайин. Орта қайтар эканмиз, беихтиёр юртдошларимизга шундай дегимиз келди: музейга ўсмир ёшдаги фарзандларингиз билан келинг, улар ҳам кечати қуни кўрсин, ҳис этсин.

Бу уларнинг тарбиясига таъсир этишига ишончимиз қомил.



Салим АБДУРАХМОНОВ «ISHONCH»

YouTube даги саҳифасида

Telegram даги саҳифасида

Мазкур мавзудаги материаллар билан «Ishonch»нинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида батафсил танишинг

«Ishonch»
конвергент таҳририятта айланмоқда

Лайк ортидаги иллат: ЁШЛАРНИ НИМА КУТМОҚДА?

Технология ва интернетнинг шиддат билан ривожланиши ҳаётимизга катта таъсир кўрсатди. Бугунги кунда уларнинг иштирокисиз ҳеч бир соҳани тасаввур қилиб бўлмайдилар. Тўғри, технологиялар ҳаётимизни енгилаштиришди, вақт ва кучимизни тежайди. Аммо салбий жиҳатлари ҳам бор. Айнаника, ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган турли хил видеолар, ҳусусан, вайлар одамлар тафаккурига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кўпчилик ушбу постлар зерикарли бўлмастлиги, вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилиши ҳақида ўйласа-да, улар атайлаб савиясиз тарзда тайёрланаётганидан ҳаётимизга таъсир кўрсатмоқда.

Фикримизни тушунарлироқ изоҳлаш учун бир мисол келтирай. Кимдир олий математика ҳақида гап очса, кўпчилик у ерда келтирилган назариялар ва масалаларни тушунамаслиги мумкин. Лекин мазкур катта жадвали ҳақида бўлса, кўпчилик уни тушунади, аммо барибир чекловлар бўлади. Агар мазкур фақат натурал сонлар ҳақида бўлса, бундай суҳбат ҳаммага тушунарли бўлади.

Худди шу принцип айрим блогерларнинг фаолиятида ҳам кузатилади. Улар «кўришлар» ва «лайклар» сонини ошириш, оубачиларни қўлайлаштириш мақсадида маъсулият билан ёндашишимиз лозим.

Раънохон УЗОҚБОЕВА, Андижон давлат университети таянч докторанти

ЭЪЛОН
Янгиёул туманидаги «YANGIYO'L – 2020» масъулияти чекланган жамиятининг думалок муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Фидойи шифокор – БЕМОРЛАРНИНГ УМИД ЮЛДУЗИ

Виктор Франкл шундай ёзди: «Ҳаётнинг маъноси – бу ҳаётнинг ўзида эмас, балки ҳаётдан ташқарида, бирор нарса учун яшашдадир». Орамизда шундай одамлар борки, уларнинг ҳаёт тарзи файлсуф Франклининг юқоридаги ҳикматли сўзларига тўғри келади.

Кўп тармоқли республика ревматология марказида фаолият юритиб келаётган Эъзоза Исокова ҳам умрини ўз касбига бағишлаганлардан бири. У ўттиз уч йиллик фаолияти давомида тажрибали ревматолог сифатида минглаб беморларнинг соғайишига сабабчи бўлган.

Ревматологик касалликлар иқлим ўзгаришида, айниқса, совуқ тунда бола-лар ва катталар орасида кенг тарқалади.

— Олти йилдан бундан бугун оғригидан азият чекиб келардим, зўрга юрардим. Кўп жойларга бордим, шифокорларга учрашдим, аммо натижа қўнғилдагидек бўлмади. Бу ҳолат менга рухий жиҳатдан ҳам таъсир қилди, – дейди 58 ёшли Замира Ботинова. – Хуллас, бир куни яқинларим Республика ревматология марказига боришимни та-

вия қилишди. Бу ерда мени Эъзоза опа қабул қилди ва тиббий кўриқдан сиңчиқлаб ўтказиб, аниқ ташхис қўйди. Даволаш жараёнида бу аёлининг меҳрини ва эътиборини доим сезиб турдим. Ҳозир ўзимни анча яхши ҳис қиламан, ҳаракатларим енгилашди. Эъзоза опадан жуда миннатдорман, қўллари дард кўрмасин.

Тажрибали шифокор ҳақида унинг яқинлари ҳам, беморлар ҳам илқ фикрлар айтишди. Шифокорнинг суюкли шогирдларидан бири Севинч Мамасиддиқовани айтишчи, Эъзоза опа кўпчилик ишга барвақт келиб, беморларни кутиб олар ва кечқурун ишдан кеч кетиш учун одадий хол экан. Оилавий йиғинлар, танишибилишларнинг тўй-маросимлари ҳам кўпчилик бир чеккада қоларкан. Кўнига қа-

мида 20-30 нафар беморни қабул қилиб, уларнинг хар бирига касаллик аломати ва даражасига қараб, тавсиялар беракан.

Шогирдларининг эътирофича, улар беморларнинг изтиробини юракдан ҳис қиладиган, ҳаммага бир - бир ҳушумолада бўладиган, фидойи шифокор Эъзоза Исокова билан фарқланади.

Ҳа, фидойи ва меҳрибон шифокорлар кўнғилларда умид бағишлаб, дардларга даво бўлишади.



Машхура ЖЎРАҚУЛОВА «ISHONCH»

Азиз газетхон! Мароқли дам олинг!

Мухаббат Шамаева ижросида «КЎЧАЛАР» кўшиғи

Туроб Тўла шеъри

Кўчалар, кўчалар, ойдин кўчалар, Бунча ҳам гўзалсиз қайдин, кўчалар? Тагин у ўтдимми, ўша бепарво, Кўнғиллар соҳиби, айтинг кўчалар? Кўчалар, кўчалар, ойдин кўчалар.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENTOROV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOLV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinboshi).

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir **Husan ERHATOV**

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalarini hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
S. Abdurahmonov

Musahhilar:
D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullililov

Bosishga topshirish vaqti – 20:40
Topshirildi – 21:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 32 360 ta
Shundan: 6 263 nusxasi
«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uyda;
18 231 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 866 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta o'fset usulida, A2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma G-111

1 2 3 4 5 6